

ШҮРЧИ ТУМАН ҲОКИМИ

SHO'RCHI TUMAN HOKIMI

ҚАРОР-ҚАРОР

“Туман маҳаллий бюджетидан  
маблағ билан таъминланадиган  
бюджет муассасаларининг  
тасдиқланган харажатлар  
режасига ўзгартериш киритиш  
тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 145-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва ҳотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 228-сонли қарорига асосан ҳамда туман молия бўлимининг 2020йил 04 июндаги 02-22-226/20-01-33-260-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6,25 моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туман Молия бўлимининг 2020 йил 04 июндаги № 01-22-214/01-01-38/141-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарорига асосан

туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилганлиги муносабати билан жорий йилнинг 1 июнидан харажатлар режасига 1-иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

3. Туман Молия бўлими (А.Кувондиқов)га 2020 йил бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредиторлик қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Ж.Норқулов зиммасига юклатилсин.

### **Туман ҳокими Б.Худойберганов**

#### **КЕЛИШИЛДИ:**

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Ж.Норқулов

Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси в.б

Т.Акибов

Туман Молия бўлими мудири

А.Кувондиқов